



2023
III чорак

**Нобанк кредит
ташкilotларининг
молиявий ҳолати тўғрисида
ШАРҲ**

Кредит ташкilotлари
пруденциал назорати
департаменти

Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисида шарҳ

2023 йил 1 октябрь ҳолатига

2023 йилнинг ўтган даври давомида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларида ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмида ўсиш тенденцияси давом этиб, уларнинг микромолия бозоридаги улуши тобора ошиб бормоқда.


I. Нобанк кредит ташкилотлари (НКТ)

Мазкур давр давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **4 та** ломбард ташкил этилиши ҳисобига нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга **169 тани**, шундан микромолия ташкилотлари **84 та** ва ломбардлар сони **84 тани ташкил** этди.

Худудлар кесимида Тошкент шаҳри (79 та), Фарғона вилояти (22 та), Бухоро вилояти (15 та), Тошкент вилояти (13 та) ва Андижон вилоятида (9 та) энг кўп ташкил этилган нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритмоқда.

1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони




II. Нобанк кредит ташкилотларининг активлари

Нобанк кредит ташкилотлари активлари йил бошига нисбатан **1,6 баробарга** ортиб, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **7 трлн сўм** доирасида шаклланган. Активларнинг ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **1,6 баробарга** ошиши билан изоҳланади.


Хусусан, **микромолия ташкилотларининг** активлари **1,9 баробарга** (1,7 трлн сўмга) ўсиб, **3,7 трлн сўмга** ва **ломбардлар** активлари **22 фоизга** (57 млрд сўмга) кўпайиб, **317 млрд сўмга** етган. Активлар ҳажмининг ўсиши асосан кредитларнинг микромолия ташкилотларида **1,6 трлн сўмга** ва ломбардларда **46 млрд сўмга** ўсиши ҳисобига юзага келган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг жами активлари **43 фоизга** (885 млрд сўмга) ўсган ҳолда, **3 трлн сўмни** ташкил этган (бунда кредитлар ҳажми 42 фоизга кўпайган).

2-чизма
НКТ активлари миқдори, млрд сўмда



3-чизма
НКТ кредит қолдиғи, млрд сўмда



а) Нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш амалиёти


Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми **6 трлн сўмни** ташкил этиб, 2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами молиявий хизматлар қолдиғи (3,7 трлн сўм) **1,8 баробарга**, хусусан, **микромолия ташкилотлари** кредит қўйилмалари қолдиғи (3,4 трлн сўм) **1,9 баробарга** ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (261 млрд сўм) **21 фоизга** ўсган.

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслар қолдиғи **2,7 трлн сўм** доирасида шаклланган.

2023 йил 1 октябрь ҳолатига барча нобанк кредит ташкилотларининг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** йил бошига нисбатан **1,6 баробарга** кўпайиб, **6,4 трлн сўмни** ёки барча кредит ташкилотлари умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **1,4 фоизни** ташкил этган.

4-чизма


НКТ кредит қўйилмалари қолдиғи (млрд сўм) ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши



Нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар қолдиғи йил бошига нисбатан **1,7 баробарга** ортиб, **3,3 трлн** сўмга, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар қолдиғи **5,5 баробарга** кўпайиб, **330 млрд** сўмга ҳамда лизинг хизматлари ҳажми эса **1,8 баробарга** ошиб, **4,3 млрд** сўмга етган.

5-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд сўмда




б) Нобанк кредит ташкилотларининг муаммоли кредитлари

Нобанк кредит ташкилотларининг муаммоли кредитлари (NPL 90+) 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **74 млрд** сўмни ёки жами кредит қўйилмаларидаги улуши **1,2 фоизни** ташкил этган ҳолда, жорий йил бошига нисбатан **33 млрд** сўмга ёки **0,2 фоиз** бандга ошган.

6-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари муаммоли кредитлари улуши



Хусусан, муаммоли кредитлар (NPL 90+) микромолия ташкилотларида 0,3 фоиз бандга ортган ҳолда, **1,7 фоизни** (қолдиғи 57 млрд сўм), ломбардларда эса 0,5 фоиз бандга камайиб, **6,7 фоизни** ташкил этган (қолдиғи 17 млрд сўм) бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларида мавжуд эмас.

III. Нобанк кредит ташкилотларининг мажбуриятлари ва капитали

а) нобанк кредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари йил бошига нисбатан **1,7 баробарга** ошиб, **5 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари **2,3 баробарга** ошиб, **2,2 трлн сўмни**, ломбардларда 17 фоизга кўпайиб, **35 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларида 45 фоизга ортган ҳолда **2,8 трлн сўмга** етган.



Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг **1,6 баробарга** (1,8 трлн сўмга) ошиши асосий омил бўлган.

Маълумот учун: банклар томонидан микромолия ташкилотлари ва ломбардларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2,6 баробарга ортиб, мос равишда 1,1 трлн сўм ҳамда 5 млрд сўмни ташкил этган. Шунингдек, халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар микромолия ташкилотларида 1,9 баробарга ўсиб, 163 млрд сўм ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларида 2,4 трлн сўм доирасида шаклланди.

б) нобанк кредит ташкилотларининг **жами капитали** эса 38 фоизга кўпайиб, **1,9 трлн** сўмга етди. Бунда, микромолия ташкилотларининг **жами капитали** 44 фоизга ва **ломбардларда** 23 фоизга ўсиб, мос равишда 1,5 трлн сўм ҳамда 282 млрд сўмни ташкил этган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида** 14 фоизга ортиб, 156 млрд сўм доирасида шаклланган.

Нобанк кредит ташкилотлари жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг микромолия ташкилотларида **168 млрд** сўмга ва ломбардларда **13 млрд** сўмга, шунингдек тақсимланмаган фойдасининг мос равишда **179 млрд** сўмга ҳамда **44 млрд** сўмга ошиши ҳисобига шаклланган.

Маълумот учун: нобанк кредит ташкилотлари таркибида чет эл маблағлари иштирокидаги ташкилотлар сони ҳисобот санасига 15 тани ташкил этади.

IV. Нобанк кредит ташкилотлари даромадлиги

Нобанк кредит ташкилотларининг жами даромадлари жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **568 млрд** сўмга (*57 фоизга*) ошиб, **1,6 трлн** сўм доирасида шаклланган. Жами даромадларнинг **84 фоизи** фоизли даромадлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг асосий қисми ажратилган кредит ва лизинглардан олинган даромадлар (*1,3 трлн сўм*) ҳисобига шаклланган.

9-чизма

НКТнинг 2023 йил III чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари

(млрд сўм)

Даромадлар ва харажатлар таркиби	Жами	Микромолия ташкилотлари	Ломбардлар	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти
Фоизли даромадлар	1 314,0	953,7	146,7	213,6
Фоизли харажатлар	400,8	213,9	4,2	182,7
Фоизсиз даромадлар	251,5	210,7	38,1	2,8
Фоизсиз харажатлар	67,7	60,1	5,9	1,8
Бошқа харажатлар*	477,0	384,2	82,6	10,3
Соф фойда	619,9	506,2	92,1	21,6

*Бошқа харажатлар операция харажатлар, солиқлар ва активлар бўйича яратилган захираларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотларининг жами харажатлари **337 млрд сўмга (55 фоизга)** кўпайиб, **946 млрд сўмни** ташкил этган. Жами харажатларнинг **42 фоизи** ёки **401 млрд сўми** фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (**283 млрд сўм**) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича фоиз тўловларидан иборат.


Микромолия ташкилотларининг соф фойдаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, уларнинг активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси мос равишда **14** ва **33 фоизни** ташкил қилган.

Шунингдек, **ломбардлар** активлари рентабеллиги даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4 фоиз** бандга камайиб, **29 фоизни** ва капитал рентабеллик даражаси эса **4,3 фоиз** бандга камайиб, **33 фоизни** ташкил этган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **1,3 баробарга** ортган ҳолда, активлар рентабеллиги деярли ўзгаришсиз **1 фоиз**, капиталнинг рентабеллик даражаси эса **1 фоиз** бандга ошиб, **14 фоиз** доирасида шаклланган.

10-чизма

НКТ активлари рентабеллиги (ROA)



11-чизма

НКТ капитали рентабеллиги (ROE)

